

ИНШООТЛАР ЎҚИНИ ГЕОДЕЗИК РЕЖАЛАШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА

Мубораков Х.М., Юсупжонов О.Ф.

Mирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Иншоотни режалаш ёки унинг лойиха ўқларини жойга кўчириш деб, ўқий нуқталар планли ўрнини жойга кўчириб маҳкамлашдаги геодезик ишларга айтилади. Геодезик съёмкада жойда бажарилган ўлчашлар асосида жойнинг топографик плани тузилса, режалаш ишларида эса уни тескариси-иншоотни қуриш учун унинг ўқлари ва ҳарактерли нуқталари ўрни лойихадан жойга кўчирилади. Шу сабабли режалаш ишларининг услуби съёмка ишлари услубидан бирмунча фарқ қиласида ва улар аниқлиги одатда юқорироқ бўлади.

Иншоот тури, ўлчаш шароити ва асосий ўқларни режалаш аниқлигига қўйилган талабдан келиб чиқиб, режалашни қуидаги усулларини қўллаш мумкин: тўғри бурчакли кординаталар, қутбий кординаталар, бурчак кестирма, чизик кестирма ва створ кестирма усуллари.

Қутбий координаталар усулида иншоотларни режалаш яқин жойлашган геодезик планли асос пунктларига таянган ҳолда бажарилади. Кўпинча бу усул очик жойларда ва режаланадиган нуқталаргача масофалар катта бўлмаган ҳолларда қўлланилади, акс ҳолда уларни ўлчаш хатоси ортиб боради.

Қубий координаталар усулида лойиха нуқта планли ўрнини жойга кўчириш аниқлигига қуидаги асосий хатолар манбаи таъсир этади: лойиҳавий бурчакни ясаш хатоси - m_β ; марказлаштириш ва редукция хатолари - m_M , m_P ; лойиҳавий масофани ўлчаб қўйиш хатолиги – m_S ; бошланғич маълумотлар хатолиги - m_δ .

Бурчак кестирма усули асосан кўприклар ва гидротехник иншоотларни режалашда кўпроқ қўлланилади.

Бу усулда иншоот ўқий нуқтасининг планли ўрнини жойда аниқаш учун режалаш асоси пунктларидан теодолит асбоби билан туриб β_1 ва β_2 бурчаклари ўлчаб кўйилади.


Агарда иншоотлар ўқларини жойга кўчириш учун ҳозирги замон геодезик асбоблари, масалан, электрон тахеометрлар қўлланса, у холда ўлчашлар услуби такомиллашади, натижалар ишончлилиги ва аниқлиги ортади.

Электрон тахеометрлар билан лойиха нуқталарини жойига кўчириш учун энг аввало бошланғич маълумотларни тайёрлаш керак. Иншоотни режалаш учун камида 4 та лойихавий нуқта керак. Агарда лойиха нуқталарнинг координиталари ананавий усулда жойнинг топографик картасидан маълум пландан график усулда аниқланиб улар орқали тескари геодезик масала ечилиб бурчак ва масофалар топилса, электрон тахеометрда режалашда эса жойнинг электрон топографик планидан AutoCAD дастурида керакли лойихавий нуқталарнинг координиталари топилади.

Маълумотлар олинганидан сўнг, бевосита жойдаги 2 та координаталари маълум пунктлардан бирида электрон тахеометр ўрнатилиб қуйидаги амаллар бажарилади:


1. Лойиха нуқталарини жойига кўчириш учун тахеометирнинг менюсидан «Съемка» танланади, сўнгра ундан «Разбивка» буйруғи босилади (1-расм).

2. «Разбивка» ойнасида - «XY» ни танланади;



1-расм. «Съемка» ва «Разбивка» ойналарининг кўриниши

3. «Разбивка» экраныда "F3" клавиатурадан "ENTER" босиб нұқта координаталари клавиатура орқали киритилади ва "F4" клавиатурадан "OK" тұгмаси босилиб киритилған мағлумотлар сақланади;(2-расм)



2-расм. Лойиха нұқталарининг координаталарини киритиш ойнаси

4. Тахеометр ўрнатилған нұқта координаталарининг түғрилигини ва лимбдан олинған саноқни түғрилигининг хам тасдиқланади клавиатурадан "да";(3-расм).



3-расм. Нұқта координаталари ва ориентирлаш йұналиши экранлари

Шундан сүнг лойиха нұқтасигача бўлган бурчак ва масофа экранда пайдо бўлади. Тахеометирни турубасини керакли йұналишда бураб, горизонтал доира саноғи нолга келтирилади ва лимб қотирилади.

Белгиланған йұналишда қайтаргич кузатувчининг буйруғига кўра лойиха нұқтасига олиб борилиб ўрнатилади.

Нұктани жойига кўчириш ишини тугатиш ва сақлаш учун MEAS/ENT» тұгмаларидан бири босилади. Шундай қилиб нұктани режалаш иши тугайди. Асбобни ўрнатиш хатоси билан жойга қўчирилған нұктани белгилаш хатоси қийматини электрон тахеометр автоматик тарзда кўрсатиб беради.

Лойиха нуқтани жойга кўчириш хатосини қўйидаги экранда кўриш мумкин.

Рез-ты Разб	
dl	- 169 м м
dc	121 м м
dr	201 м м
AзРасстТест	ВЫВ OK

4-расм. Хатоликни қўрсатувчи ойна

Бу эрда, dl - станциядан тортиб то лойиха нуқтасигача ўлчангандан масофадаги хатолик, dc - эса бурчак ясашдаги хатолик, dr - нуқтанинг назарий ва унинг амалий қийматлари ўртасидаги масофа.

Dl, dc ва dr қийматлари 0.01 м дан кам бўлган ҳолатда, лойиха нуқтасини жойига кўчиришга руҳсат берилади.


Лойиха масофаларни ($S_{коор}$) қўйидаги формула орқали 0,001 м аниқликгача ҳисобланиши мумкин.

$$S_{коор} = \sqrt{(X_i - X_k)^2 + (Y_i - Y_k)^2}$$


Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, геодезик режалаш ишларини анъанавий усулда ва асбоблар ёрдамида бажаришдан кўра талабларга тўла жавоб бера оладиган замонавий электрон асбоблар ёрдамида бажаришнинг авзалликлари катта экан. Геодезик режалаш ишлари замонавий электрон асбоблар ёрдамида бажарилса энг аввало ишнинг аниқлиги ортади, натижаларни қайта ишлаш электрон тарзда осонлашади ҳамда тезлашади. Қисқача қилиб айтганда маблағ, меҳнат сарфи ва вақт тежалади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Виноградов А. В., Войтенко А. В. Современные технологии геодезических изысканий. Омск: СибАДИ, 2017. –111 с.
2. Мубораков Х., Юсупжонов О.Ф. Геодезик режалаш ишлари аниқлигини замонавий асбоблардан фойдаланиб ошириш ҳақида. Республика илмий – амалий конференция материаллари. 6 – 7 май, Тошкент, 2017.



**5-расм. Trimble m3 электрон тахеометри қутбий усулда жойнинг
топографик съёмкасини бажариш усули**



6-расм. Торографик съемка объектлари учун мисол

**Trimble M3 электрон тахеометрининг ташқи кўриниши
ва асосий қисмлари**

**Trimble M3 тахеометрининг
таксиметрининг орқа томондан кўриниши**

**Trimble M3
олди томондан кўриниши**



5-шакл.

**1-кўриш трубасини фокусга келтирувчи халқа, 2-Окуляр, 3-
Фокусловчи халқа, 4-вертикалга келтирувчи микрометр винти, 5-
горизонталга келтирувчи микрометр винти, 6-Тутиб тургувчи винт, 7-
цилиндрик адилак, 8-клавиатура остига ўрнатилган лазер хавфсизлиги
белгиси, 9-экран ва клавиатура, 10- батареяни маҳкамловчи тугма, 11-
тутиб тургувчи винт, 12-олиб юриш учун ушлагич, 13-оптик визир, 14-
объектив, 15-майлумот киритиш, ташқи озуқа узатиш учун тешик, 16-
кўтариш винтлари, 17-оптик шовунли трегер.**